

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2022 йил декабрь ойининг 19 куни жиноят ишлари бўйича Шўрчи туман суди, Шўрчи тумани “Кўклам” маҳалла фуқаролар йиғини биносиди, очик сайёр мажлисида, судья М.А.Хақимовнинг раислигида, А.Имомовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Шўрчи туман прокурорининг катта ёрдамчиси Ш.Усмонов, айбланувчи Н.Х ва унинг ҳимоячиси Б.Махманов, жабрланувчи Д.Ннинг иштирокида,

Х.Н.А (Х.Н.А) 0000 йил 0 сентябрь куни Сурхондарё вилояти, Шўрчи туманида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти тугалланмаган олий, Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиали 1-курс талабаси, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, муқаддам судланмаган, бўйдоқ, Шўрчи тумани “Ж” маҳалласида яшайди, унга нисбатан “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан айбланувчига оид 1-1914-2201/204-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов органи ҳужжатларига кўра, Х.Н.А, 2022 йил 29 август куни соат 22:00ларда Шўрчи тумани “Ж” маҳалласи ҳудудидаги ички маҳаллий кўчада ўзига илгаридан таниш бўлган маҳалладоши Н.Д.Э билан учрашиб, у билан жанжаллашиб қолиб, жанжал вақтида Д.Э.Ннинг Н.Хга нисбатан ҳақоратли сўзларни айтгани сабабли, Н.Х Д.Э.Нга тан жароҳати етказиш мақсадида, тергов давомида аниқлашнинг имкони бўлмаган тош бўлаги билан Д.Э.Ннинг танасининг жағ соҳасига қасддан уриб, тан жароҳати етказган.

РСТЭИАМСФнинг 07.09.2022 йилдаги 1494-сонли суд тиббиёт экспертизаси хулосасига кўра, Д.Ннинг ўнг тирсак бўғимида шилинмаси, пастки жағнинг чап томон бурчак соҳасидан синиб силжиши, шу соҳа юмшоқ тўқималарининг лат ейиши каби тан жароҳатлари мавжудлиги ва уларнинг оғирлик даражаси “ЎРТАЧА ОҒИРЛИҚДАГИ тан жароҳат”лари эканлиги баён қилинган.

Суд мажлисида айбланувчи Н.Х ва жабрланувчи ҳамда фуқаровий давогар Д.Н ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Айбланувчи Н.Х суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқроп эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда



жабрланувчи билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи ва фуқаровий давогар Д.Н суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, Н.Хга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 105-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд жабрланувчи ва фуқаровий давогар Д.Н ва айбланувчи Н.Хнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Шўрчи туман прокурорининг катта ёрдамчиси Ш.Усмонов ва ҳимоячи Б.Махмановнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, айбланувчи Ў.Ҳасановнинг муқаддам судланмаганлиги, айбига ихтиёрий иқрорлиги ва етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчи ва айбланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув айбланувчи ва жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инobatга олиб, Н.Хга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи Д.Нга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни;

- Н.Хга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чорасини ажрим қонуний кучга киргач бекор қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддасининг 4-қисми, 585-586-моддаларига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан айбланувчи Х.Н.А (Х.Н.А)га нисбатан юритилган жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчи Д.Нга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Н.Хга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргач бекор қилинсин.



Ажрим устидан йигирма сутка ичида шу суд орқали Сурхондарё вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи

(имзо)

М.Ҳакимов

Аслига тўғри

Ҳужжат имзоланган: Ҳакимов Музафар Абдуллаевич, 10.01.2023

